



MIRZO ULUG'BEK TUMAN HOKIMIYATI HUZURIDAGI
TADBIRKORLIK SUB'YEKTLARINI RO'YXATDAN O'TKAZISH INSPEKTSIYASI
YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

GUVOHNOMA

Reestr № **007453-04**

№ 007453

2012 yil "03" iyul

Mazkur guvohnoma

"O'ZBEKISTON DAVLAT

SAN'AT VA MADANIYAT INSTITUTI"

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Muassasa

THSHT (ОПФ)

2100

Mulkchilik shakli:

Davlat

MSHT (ФС)

212

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

YALONG'OCH DAHASI, 127-"A"-UY.

MHBT (COATO)

1726269

Yuridik shaxs kodi:

KTUT (ОКПО)

24083255

Asosiy faoliyat turi:

Oliy ma'lumotli mutaxassislarni tayyorlash

XXTUT (ОКОХХ)

92110

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

STIR (ИНН)

302339722

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Vakolatli organ boshlig'i:

E.T.NARBEKOV



Toshkent sh. Mirzo Ulug'bek tumani
tadbirkorlik subektlarini ro'yxatdan
o'tkazish inspeksiyasi tomonidan
2014 yil « _____ » _____

_____ - bilan
«RO'YXATGA OLINDI»



«TASDIQLAYMAN»
O'zbekiston Respublikasi Madaniyat
va sport ishlari vaziri
M. XODJIMATOV

2014 yil « 03 » sentabr

MIRZO ULUG'BEK TUMANI HOKIMIYATI
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI
RO'YXATDAN O'TKAZISH
INSPEKTSIYASI
RO'YXATGA OLINDI

2014 y 10. 10 № 00745304



O'ZBEKISTON DAVLAT SAN'AT VA MADANIYAT
INSTITUTI USTAVI
(Yangi tahrirda)

Toshkent-2014 yil

Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институтининг
2014 йил “ 26 ” июлдаги “ 1116 ”
Кенгашининг мажлисида тавсия
этилган

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирлигининг
2014 йил “ 03 ” сентябрдаги
915 -сонли буйруғига илова

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ УСТАВИ (янги тахрирда)

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 4 июндаги “Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги № 1771-сонли қарори билан ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг тасарруфидаги давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади.

2. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти (кейинги ўринларда ЎзДСМИ юритилади) оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиш ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3. ЎзДСМИ ўзи юридик шахс бўлиб, мустақил балансига ва Ўзбекистон Республикаси банкларида ўз ҳисоб рақамларига, рамзи, штамплари ва бланкларига эгадир.

4. ЎзДСМИ Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи кўрсатилган муҳрга эга.

5. ЎзДСМИ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа қонуний ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг буйруқлари, фармойишлари, топшириқлари, кўрсатмаларига, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда мазкур Устав ва унинг фаолиятига тааллуқли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади.

6. ЎзДСМИ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан шартномалар тузиши, белгиланган тартибда мулкий ва номулкий ҳуқуқларни, қонунчиликка мувофиқ мулкчилик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларнинг объекти бўлиши мумкин бўлган кўчар ва кўчмас мулкни харид қилиши, мажбуриятлари олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиш ҳуқуқига эга.

ЎзДСМИ мажбуриятлари бўйича унга бириктирилган мулкка амалдаги ~~мулкка~~ мувофиқ жавоб беради.

7. ЎзДСМИ ўз фаолиятини давлат бюджети маблағлари, хомийлар ~~маблағлари~~, шунингдек, қонунда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ~~маблағга~~ оширади.

8. ЎзДСМИнинг расмий номланиши:

тўлиқ: давлат тилида - Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, ~~қисқача~~-ЎзДСМИ;

тўлиқ: рус тилида - Государственный институт искусств и культуры Узбекистана, ГИИиКУз;

тўлиқ: инглиз тилида - Uzbekistan State Institute of Art and Culture-UzSIAC;

9. ЎзДСМИ нинг жойлашиши (почта манзили): 100164, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Ялонғоч даҳаси, 127 “А”- уй.

II. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг асосий вазифалари

10. ЎзДСМИнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш;

маданий-маънавий бойликни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий театр мактаби ва бадиий ижод маҳоратини ривожлантириш;

ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, илғор педагогика, инновация ва ахборот коммуникация технологиялари, электрон ахборот ресурслари, жумладан, интернетдан кенг фойдаланган ҳолда, таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш;

маданият, театр санъати, кино ва телевидение, халқ ижодиёти анъаналари, бадиий ижоднинг замонавий методларини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;

ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида, маънавий юксак ва ҳар томонлама баркамол ривожланган, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган шахслар этиб тарбиялаш;

давлат таълим стандартлари талабига мувофиқ малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда маданият ва санъат соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш. Олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим Дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-педагогик ва ўқув-услугий, илмий, ижодий, шунингдек бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа вазифалар.

III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

а) Талабалар:

11. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг баённомасига асосан ректорнинг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс ЎзДСМИнинг талабаси ҳисобланади.

Талабага ўрнатилган тартибда талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси берилади.

ЎзДСМИга қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Институтга қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади.

Актёрлик, режиссёрлик ва операторлик йўналишининг ўзига хос касбий хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу таълим йўналишларига ақлий, жисмоний ва руҳий носоғлом, ногирон шахслар қабул қилинмайди.

12. ЎзДСМИнинг талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фан, санъат ва маданиятнинг, замонавий тараққиёт даражасига мос келувчи билимлар олиш;

институт ахборот ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

бепул маслаҳатлар ва тавсиялар олиш;
аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда институт, деканат ва кафедра раҳбариятига билдиришга ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилиш;

институт ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

илмий тадқиқот ва ижодий ишларнинг барча турларида ва илмий конференцияларда қатнашишга ҳамда уларнинг натижаларини нашр этишга ва бу ҳақда ахборотлар бериш;

институтда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш.

Талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

13. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

14. Талабалар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва Беруний, Ибн Сино, Навоий ва Мирзо Улугбек номидаги Давлат стипендиялари, шунингдек, ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

15. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

16. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга институтда ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

17. ЎзДСМИнинг талабалар турар жойига эҳтиёжи бор талабалари институтнинг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойларига талабалар томонидан коммунал-маиший хизматлар учун тўланадиган тўловлар институт томонидан белгиланади.

Турар жойга муҳтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, институтнинг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларга фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га рухсат этилмайди.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган талабаларга ўқишдан бўш вақтларида институтнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлашга рухсат этилади.

18. ЎзДСМИдан ўз хоҳиши ёки узрли сабабларга кўра четлаштирилган талаба талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишга тикланиш ҳуқуқига эга.

Илгари институтдан маъмуриятнинг ташаббуси билан четлаштирилган шахсларни барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

ЎзДСМИнинг талабалари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига ўқишларини кўчириш (ўқишга қайта тикланиш) ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талабаларни ЎзДСМИ га ўқишини кўчириш (ўқишга тиклаш) мумкин эмас.

Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

19. ЎзДСМИ талабалари олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари зарур ҳамда ЎзДСМИнинг Уставига, Ички тартиб қоидалари ва Талабалар турар жойлари қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

20. Ушбу Устав ва институтнинг Ички тартиб қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузгани тақдирда талабага нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари кўрилади: ҳайфсан, жарима ҳамда талабалар сафидан четлатиш.

Талаба олий таълим муассасасидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);
- г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;
- д) ўқув интизомини ва институтнинг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- ж) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- з) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- и) вафот этганлиги сабабли.

Институт маъмурияти ташаббуси билан талабаларни ўқишдан четлаштириш институт касаба уюшмасининг ёзма розилигини инobatга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Қоидаларнинг 14-банди “д” кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, институтнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

Интизомий жазога тортилган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириши мумкин.

Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда ҳатти - ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва ҳатти-ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирилмай қўлланилади. Талабалар касаллик пайтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларда талабалар сафидан четлаштириш мумкин эмас.

Касаллик пайти талаба (ёки унинг ота-онаси) ариза ва тегишли маълумотномалар билан, одатда, бир ҳафтадан кечиктирилмасдан институтга маълум қилинади.

21. ЎзДСМИда таълим ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда амалга оширилади.

б) Тингловчилар:

22. ЎзДСМИ қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсида ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади. Тингловчиларнинг мақоми таълим хизматларини олиш қисми бўйича институтда мувофиқ ўқув шаклида таълим олаётган талабанинг мақоми билан тенглаштирилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиш шартлари ва ҳуқуқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

в) Катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар ва ассистент-стажёрлар:

23. ЎзДСМИнинг катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчи ҳамда ассистент-стажёрлари бўлиб, муайян йўналиш бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган ва тегишли илмий даражани олиш учун диссертация тайёрлаётган шахслар ҳисобланади.

Олий маълумотли мутахассис ёки магистр дипломига, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган ва фан доктори илмий даражасини олиш мақсадида диссертация тайёрлаш учун олий таълим муассасасининг катта илмий ходим-изланувчилик институтига қабул қилинган шахслар - катта илмий ходим-изланувчи ҳисобланади.

Институтга (кафедрага) бириктирилган ва фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахс – мустақил изланувчи ҳисобланади.

Режиссура, драматургия соҳалар бўйича олий маълумотга эга бўлган, санъат ва маданият муассасаси ва ташкилотларида амалий тажриба орттириб, танлаган мутахассислиги бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган, соҳанинг малакали мутахассислари ёрдамида квалификация олиш учун ўқиётган шахс – ассистент-стажёр ҳисобланади.

Зарурий ҳолларда истисно шаклида икки йил тажрибага эга бўлмаганларни ҳам ассистент-стажёрликка қабул қилиш мумкин.

24. ЎзДСМИ катта илмий ходим-изланувчилик институти ихтисосликларини белгиланган тартибда очиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу катта илмий ходим-изланувчилик институтига докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, фундаментал тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятли бўлган истеъдодли илмий ва илмий-педагогик ходимлар қабул қилинади.

Катта илмий ходим-изланувчилик институтида ўқиш муддати уч йил ҳисобланади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш катта илмий ходим-изланувчиликдан ташқари, мустақил изланувчилик шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Фан доктори илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи институтига докторлик диссертацияси устида мустақил изланишлар олиб бораётган, фан ва техниканинг долзарб муаммолари ҳамда назарий масалалари бўйича илмий тадқиқотлари юзасидан салмоқли натижаларга эришган, шунингдек тегишли фан ва техника соҳасида чуқур билимларга эга бўлганлар даъвогарлик қилишлари мумкин.

Катта илмий ходим-изланувчилик институтига қабул қилиш, шунингдек институтга мустақил изланувчиларни бириктириш ҳамда катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларга диссертация устида ишлаётганликлари учун имтиёзлар бериш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365 –сонли қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари” ва “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида” ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ассистентура-стажировкага қабул қилиш тартиби, таълим муҳлати ва шартлари, стипендия миқдори ва тўлаш шартлари махсус низомга мувофиқ белгиланади.

г) Институтнинг профессор-ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий - хўжалик ходимлари (персонали)

25. ЎзДСМИда профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, муҳандислик - техника, маъмурий - хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув - ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради (ўқитувчи-стажёр лавозими ЎзР ВМнинг 2008 йил 1 август “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сон қарорига асосан киритилди).

26. Профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февраль 20-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида” ги Низомга мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 март Ф-137-сонли фармойишига мувофиқ институтнинг проректори ва филиал директори ректор тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани, филиал директори ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишилган ҳолда институт ректорининг буйруғи билан тайинланади.

27. ЎзДСМИнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

белгиланган тартибда институт ва факультет Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;

институтнинг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

институтнинг ахборот-ресурс маркази, ўқув, илмий ва ижодий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

институт маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);

хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;

назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

28. ЎзДСМИнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат ва технология интизоми, институт Устави, Ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиш;

ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

иш жараёнида мулоқат қиладиган институт ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан ҳушфеъл муносабатда бўлиш;

иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўқув юкламалари ҳажмини, ўқув-услубий, илмий ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

б) дарслик, ўқув қўлланма тайёрлаш, ўқув адабиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда;

д) институт Кенгаши томонидан тасдиқланган кафедра илмий мавзуларида иштирок этиш;

е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

институтнинг мол-мулкани авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

институт жамоатчилиги ишларида қатнашиш;

педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

замонавий талаблар даражасида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;

чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини ошириб бориш;

таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

“Устоз-шогирд” тизимида иштирок этиб, ўзига бириктирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнатилган бўлиш;

кийиниш маданиятига риоя этиш;

республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;

институт, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;

дарсларни юқори савияда ўтиш;

фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

ҳар ўқув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календарь режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;

рейтинг назорат турларини ўз вақтида ўтказиш;

талабалар билимини ҳолисона баҳолаш;

янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;
илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;
талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда
фаол қатнашиш;

29. Институтнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда бошқа масъул ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” ПҚ-2142-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995-йил 6 январдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 8-сонли қарори ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

30. ЎзДСМИнинг профессор-ўқитувчилари таркиби уч йилда камида бир маротаба малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

31. ЎзДСМИнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари институтнинг Ички тартиб-қоидалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишлар

32. ЎзДСМИ қуйидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади:

1) Олий таълим (бакалавриат ва магистратура):

а) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (бакалавриат) ўқув шакли йўналишлар номлари:

- 5150200 – Санъатшунослик (турлари бўйича)
- 5150300 – Актёрлик санъати (турлари бўйича)
- 5150400 – Режиссёрлик (турлари бўйича)
- 5151400 – Техноген санъати (турлари бўйича)
- 5150500 – Кино-телеоператорлик
- 5111000 – Касб таълими (йўналишлар бўйича)
- 5151600 – Халқ ижодиёти (турлари бўйича)
- 5151700 – Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш

Нукус филиали:

- 5150400 – Режиссура (турлари бўйича)
- 5150300 – Актёрлик санъати (турлари бўйича)
- 5151400 – Техноген санъати (турлари бўйича)

- 5151600 – Халқ ижодиёти (турлари бўйича)

б) магистратура мутахассисликлари номлари:

- 5A151301 – Актёрлик санъати (турлари бўйича)

- 5A150401 – Режиссёрлик (турлари бўйича)

- 5A151401 – Овоз режиссёрлиги (турлари бўйича)

- 5A151501 – Кинооператорлик

- 5A610401 – Маданиятшунослик

- 5A610402 – Ижтимоий-маданий фаолиятни ташкил этиш (турлари бўйича)

- 5A151701 – Маданият ва санъат соҳаси менежменти

33. ЎзДСМИ таълимнинг асосий таълим дастурларини икки босқичда амалга оширади: бакалаврият ва магистратура.

Бакалаврият - таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси яқунлари бўйича таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура - йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалаврият негизида, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси яқунлари бўйича тайёрланган муайян мутахассислик бўйича «магистр» даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

34. ЎзДСМИда таълим жараёнини ташкил этиш таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, институт ректори (ўқув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календарь ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуб ва воситаларни танлаш йўли билан институт талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитлар яратиб берилади.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. Институтнинг гуманитар ва ижтимоий - иқтисодий

фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига, раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш маънавий-маърифат ишлари бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

35. ЎзДСМИда ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, маҳорат дарси, лаборатория иши, яқка машғулот (амалий ижрочилик билан боғлиқ бўлган санъат йўналишларида), назорат иши, тест, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалаврлик битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг бир жуфтлиги учун 80 дақиқалик вақт белгиланади. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек ҳамда рус тиллари ҳисобланади.

36. ЎзДСМИда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.

Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Узстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

37. ЎзДСМИда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг назорати шаклида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган (Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 10 июлда 1981-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган тегишли Низомга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан давлат рўйхатидан қайта ўтказилган) мос равишдаги Низомга асосан янги таҳрида ишлаб чиқилди) “Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида” ги Низомга мувофиқ тартибга солинади, Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 майдаги 160-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида” ги Низомга асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

38. ЎзДСМИда ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, илғор педагогика, инновация ва ахборот коммуникация технологиялари, электрон ахборот ресурслари, жумладан, Интернетдан кенг фойдаланган ҳолда, таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

2) Олий ўқув юртидан кейинги таълим:

а) Катта илмий ходим-изланувчи институти ихтисосликлари номлари:

- 13.00.05 - Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси

- 17.00.01 - Театр санъати

- 17.00.03 - Кино ва телевидение санъати

39. ЎзДСМИда олий ўқув юртидан кейинги таълим доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг 2012 йил 30 октябрдаги 192/8-сонли қарори “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мутахассисликлари рўйхати” га мувофиқ тегишли вазирлик руҳсати асосида катта илмий ходим-изланувчи институти орқали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, шунингдек фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида институтга мустақил изланувчиларни бириктириш ишлари амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга оид муносабатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари” ва “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида” ги Низом билан тартибга солинади.

40. ЎзДСМИ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сонли “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарорига мувофиқ кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида ходимлар учун қўшимча касбий таълим дастурлари асосида ўқиш амалга оширилади.

ЎзДСМИда маданият ва санъат, радио ва телевидения ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари фаолият юритади.

Институт ихтисосликлари доирасида ва ижтимоий-маданий соҳа, санъатнинг бошқа турлари бўйича муддатли пуллик касбий курслар ташкил этилиши мумкин.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида ўқиш натижаларига кўра ўрнатилган тартибда тасдиқланган давлат намунасидаги сертификат (диплом) берилади.

41. ЎзДСМИ Кенгашнинг тематик режалари бўйича, бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар ва катта илмий ходим-изланувчиларни кенг жалб этиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

Илмий тадқиқотлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

фан, санъат ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан хорижий ташкилотлар маблағлари.

V. Олий таълим муассасасининг таркиби

42. ЎзДСМИнинг таркибига қуйидагилар киради:

а) факультетларнинг номи:

- Институтнинг нукус филиали
- Театр санъати факультети
- Кино, телевединия ва радио санъати факультети
- Халқ ижодиёти факультети

б) кафедраларнинг номи:

- Ижтимоий ва гуманитар фанлар
- Тиллар ва адабиёт
- Педагогика ва психология
- Информатика ва табиий фанлар
- Жисмоний маданият
- Мусиқали, драматик театр ва кино санъати
- Эстрада ва оммавий томошалар санъати
- Қўғирчоқ театри санъати
- Саҳна нутқи
- Саҳна ҳаракати
- Вокал
- Санъатшунослик ва маданиятшунослик
- Кино, телевидение ва радио режиссёрлиги
- Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати
- Мусиқий фанлар назарияси
- Халқ ижодиёти ва анъанавий кўшиқчилик
- Чолғу ижрочилиги
- Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш

в) бўлимлар номи:

- Ўқув-услубий бўлим

- Магистратура бўлими
- Ўқув-концермейстерлик бўлими
- Ўқув театри
- Кино-фото, телевидение ва радио ўқув студияси
- Овоз ёзиш ўқув студияси
- Маънавият ва маърифат бўлими
- Академик лицей ва колледжлар билан ишлаш бўлими
- Спорт комплекси
- Ахборот-ресурс маркази
- Ахборот технологиялари маркази
- Илмий-тадқиқот бўлими
- Нашриёт ва муҳаррирлик бўлими
- Типография
- Молия-иқтисод бўлими
- Ҳисобхона
- Техник воситаларни ўқитиш бўлими
- Таъмирлаш хизмати ва мусикий асбобларни созлаш бўлими
- Эксплуатация-хўжалик бўлими
- Халқаро алоқалар бўлими
- Умумий бўлим
- Концелярия ва архив
- Маданият ва санъат ходимларининг малакасини ошириш тармоқ маркази
- Талабалар ошхонаси
- Сартарошхона

VI. Олий таълим муассасасини бошқариш

43. ЎзДСМИни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ яқка раҳбарлик ва институтнинг Кенгаши, Васийлар кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

44. ЎзДСМИга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган Ректор бошчилик қилади.

Ректор бошқарувни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда яқка раҳбарлик ва институтнинг Кенгаши, Васийлар кенгаши орқали жамоатчилик тамойили асосида амалга оширади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2003 йил 9 январдаги “Олий таълим тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” ги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 22 февралда 1222-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) билан тасдиқланган “Олий таълим тўғрисида”ги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ институт номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, институтнинг мол-мулкига масъуллик қилади, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида институтнинг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

Институтнинг Ректори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда

институтнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;

бўйсунувчи вазирлик билан келишилган ҳолда факультет деканлари, филиал директорининг ўринбосари ва бош бухгалтерни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;

институт проректорлари, филиал директори лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, декан, директор ва бошқаларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;

институт ходимлари ва хизматчиларини, шунингдек илмий-педагогик ходимларини Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;

институт таркибига кирган илмий ижодий, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

институт ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва кўшимчаларни белгилайди;

қасаба уюшма кўмитаси ёки институтнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда Ички тартиб қоидаларини тасдиқлайди;

институтнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилади;

институтда Намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, тасдиқланган институт ходимларининг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида институт профессор - ўқитувчилари таркиби ва институт ходимларининг штат бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

институт Кенгашининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни қайта номлаш, очиш ёки ёпиш қарорларини тасдиқлайди.

Институт ректорига ўзи ишлаётган институтда ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий - методик

барликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга рухсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлик бўйича бажариши мумкин эмас.

45. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2003 йил 9 январдаги 9-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим тўғрисида” ги Низомга мувофиқ ЎзДСМИда институт фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун Кенгаш ташкил этилади.

Кенгаш таркибига ректор киради ва Кенгаш раиси ҳисобланади, проректорлар, факультетлар деканлари ҳамда мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва институт ходимлари касаба уюшмаси кенгаши вакиллари киради. Институт Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби таълимни бошқариш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 9 декабрдаги 345-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий ўқув юртининг илмий Кенгаши тўғрисида” ги Низом билан белгиланади.

46. ЎзДСМИда Васийлар кенгаши институтни бошқарувчи жамоатчилик органи ҳисобланади. Унинг таркибига муассис-вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар, бошқа таълим муассасаларининг вакиллари киради. Васийлар кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 майдаги 129-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари қошидаги Васийлик кенгаши ҳақида” ги намунавий Низом билан белгиланади.

47. ЎзДСМИда касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни таълим ва фан касаба уюшмалари ҳамда уларнинг институтда сайланган органлари амалга оширади. Талабалар ва ходимлар ваколат органларининг ҳуқуқлари ва уларга нисбатан институт маъмуриятининг мажбуриятлари касаба уюшмаси ва жамоатчилик ташкилотлари низомларида ифода этилади.

Амалдаги низомларга мувофиқ ЎзДСМИда илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин.

Ректорат ва Кенгаш ўз фаолиятида институт жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва ўз фаолиятларида уларни ҳисобга олади.

48. ЎзДСМИнинг факультетини Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишилган ҳолда ректор томонидан тайинладиган декан бошқаради.

Факультет декани ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 2 июндаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида” ги Низомга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 2 июндаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида” ги Низомга мувофиқ факультетда Кенгаш ташкил этилиши мумкин.

Кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 2 июндаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаси факультетининг Кенгаши тўғрисида” ги Низом билан белгиланади.

Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида институтнинг Кенгаши томонидан сайладиган мудир раҳбарлик қилади.

Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 2 июндаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисида” ги Низом билан белгиланади.

VII. Молия - ҳўжалик фаолияти ва моддий-техник база

49. ЎзДСМИга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш ҳуқуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан бинолар, иншоотлар, мулкый мажмуалар, олий таълим муассасасининг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилади.

ЎзДСМИ фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар қаторига киритилган.

ЎзДСМИга ажратилган ер участкалари институтга мuddатсиз текин фойдаланиш учун бириктирилган.

50. ЎзДСМИ жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкый объектларга, институт фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу

даромадлар ҳисобидан сотиб олинган мулк объектларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

51. ЎзДСМИ мол-мулкни ижарага олувчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 ноябрдаги 315-сонли “Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ олий таълим муассасаси ўзига бириктирилган ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни Кенгашнинг розилиги билан белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблағлар таълим жараёнини таъминлаш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади.

52. ЎзДСМИнинг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

53. ЎзДСМИ институтнинг асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириши, бу мақсадда студия, пулли курслар, тўгараклар, фирма ва бошқа тузилмалар ташкил қилиши мумкин. Институт шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти мазкур Уставда белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Институт ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консалтинглар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Институт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур Уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қилади.

54. ЎзДСМИда лавозим маошлари меҳнат шарномаси (битими) тузилаётганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сонли “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий маошлари миқдорига мувофиқ белгиланади. Институт ходимига лавозим маоши (ставка), ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда

тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча маош, устама ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини институт мустақил, иш ҳақи фонди доирасида қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

55. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ЎзДСМИ институтда ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналарни ажратади ва уларни тозалашни ташкил этади.

Институт қошида тиббий - санитар муассасаси фаолият кўрсатиб, унга иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан таъминланган хоналар ажратилади.

Институтда Талабалар ошхонаси ва сартарошхона таркибий бўлинма сифатида фаолият юритади.

У хўжалик ҳисоби асосида фаолият юритиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз даромадлари ҳисобига харажатларини қоплайди.

Талабалар ошхонаси ва сартарошхона тузилмаси ўз субъсчётига эга бўлади.

Институт қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талабалар ошхонаси тузилмасини бино, электр, сув ва бошқа керакли жиҳозлар билан таъминлайди.

Талабалар ошхонаси ва сартарошхона фаолияти алоҳида низом асосида тартибга солинади ҳамда мазкур низом ўрнатилган тартибда ЎзДСМИ ректори томонидан тасдиқланади.

Институтнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

VIII. Халқаро ҳамкорлик

56. ЎзДСМИ Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонунининг 33-моддасига мувофиқ таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, институт илмий - педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий - тадқиқотчилик ишлари давлатлараро органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек, ЎзДСМИнинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

57. ЎзДСМИ қўйидаги ҳуқуқларга эга:

халқаро нодавлат ташкилотларга кириш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;

хорижий шериклар иштирокида институтнинг таркибий бўлинмалари (марказлар, лабораториялар, техник саройлар ва бошқа бўлинмалар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш;

театр, кино, телевидения, радио, маданият ва санъатнинг бошқа соҳаларида эришган улкан ютуқлари инобатга олинган ҳолда республикадаги, шунингдек, хорижлик мутахассисларга “Фахрий профессор” унвонини бериш.

58. ЎзДСМИ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу Уставда назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

59. ЎзДСМИнинг ташқи иқтисодий фаолиятидан тушган валюта, моддий тушумлари қонунчиликка биноан унинг уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

IX. ЎзДСМИни қайта ташкил қилиш ва тугатиш

60. ЎзДСМИни қайта ташкил қилиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

X. Бошқа шартлар

61. ЎзДСМИ мансабдор шахслари, ходимлари ўз ваколатига киритилган вазифалар ҳамда юклатилган мажбуриятларини бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

62. Мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан киритилади.

63. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти ректори



Б.С.Сайфуллаев